TIQXMMI

Х.Назаров

/ Экологик хавфсизлик /

Дарслик

# Экологик хавфсизлик



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИННОВАЦИЯ ВАЗИРЛИГИ

«ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУХАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ” - МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ

«Экология ва сув ресуришларини бошқариш”
кафедраси

Х.Назаров

# ЭКОЛОГИК ХАВФСИЗЛИК

Тошкент Ирригация ва Қишлоқ ҳужалигини механизациялаш мухандислари институти-Миллий тадқиқот университети Илмий Кенгаши томонидан дарслик сифатида тавсия этилган

Тошкент
2023

Ушбу дарслик ТИҚХММИ-МТУ ректорининг 2023 йил «________» __________даги № сонли йиғилишида кўриб чиқилган ва ўз грифи асосида дарслик сифатида нашр этишга ва фойдаланишга тавсия этилган.

Рўйхатга олиш рақами 322- a/f 322

Мазкур дарслик «Экологик хавфсизлик» фанининг ўкув дастурига асосан тузилган. Дарсликда табиат ресурсларидан фойдаланиш ва муҳофаза қилишда экологик ҳавфсизлик талаблар ва қоидалари , табиий муҳитнинг сифатини белгиловчи экологик ҳавфсизлик нормалари ва талаблари, табиий экологик ҳавф-хатарларни турлари ва уларни олдини олиш, экологик ҳавфсизликни таъминлашда экологик экспертизани ўрни ва аҳамияти,табиий ва антоноген хавф-хатарларни оқибатларини бартараф қилиш чоралари, экологик хавфсизлини таъминлашнинг хуқуқий ва техник нормалари, экологик ҳавфсизликни таъминлашда ташкилий -хуқуқий чоралар , табиий ва антропоген хавфли жараёнлар ва уларнинг инсонлар ҳаётий фаолият хавфсизлигига таъсири, яъни хавф-хатарлар билан боглиқ омиллар ва уларни камайтириш йўналишлари илмий асосда ёритилган. Ушбу дарслик – “Экологик ҳавфсизлик”, “Экология ва атроф муҳит муҳофазаси”, “Юристпруденция” ихтисосликлари буйича бакалавриат таълим йўналиши талабалари учун мўлжалланган.

**Масъул муҳаррир:** **Б.Исмоилхўжаев**- ТИҚХММИ-МТУ “Экология ва сув ресурсларини бошқариш” кафедраси профессори, биология фанлари доктори

**Тақризчилар:** **О.Нарзуллаев**-Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Тошкент Давлат Юридик университети “Экология ва аграр хуқуқ” кафедраси профессори, юридик фанлар доктори

**Н. Эгамбердиев**-Халқаро Мухандислар Академияси академиги , ТИҚХММИ-МТУ “Экология ва сув ресурсларини бошқариш” кафедраси профессори, биология фанлари доктори

**Муаллиф:** **Х.Назаров**-ТИҚХММИ-МТУ “Экология ва сув ресурсларини бошқариш” кафедраси доценти, юридик фанлар номзоди

**Консультант** **А.Ҳамидов** ТИҚХММИ-МТУ “Экология ва сув ресурсларини бошқариш” кафедраси мудири, техника фанлари буйича фалсафа фанлари доктори

А.Назаров. / Экологик хавфсизлик /.
Дарслик. -Т.: “ТИҚВ” МТУ, 2023. 319- bet.

**© “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” миллий тадқиқот университети (“ТИҚХММИ” МТУ), 2023 й.**



# К И Р И Ш

**“Ер юзидаги иқлимнинг кескин ўзгариши, сув ва табиий ресурсларни камайиши билан боғлиқ муаммолар катта хавф-хатарларга айланмоқда”**-деб таъкидлаган эди Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзёев.

Дарҳақиқат,бугунги куннинг долзарб бош вазифаларидан бири ер юзида инсоният ҳаётини ана шу хавф-хатарлардан сақлаб қолишдир. Бу улуғвор вазифани амалга оширишда табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, табиатни инсон ақл заковати ва имконияти доирасида муҳофаза қилиш, инсоннинг ҳаёти учун зарур табиий бойликларни экологик хавф-хатарлардан сақлашдир. Бутун дунёда Инсоният ҳар томонлама табиий ресурслардан фойдаланиш кўлами ошириб бормоқда. Инсоният ақл заковати таъсирида фан-техника тараққиёти беқиёс ривожланиб бормоқда. Бунинг ижобий жиҳатлари билан бирга атроф табиий муҳит экологик ҳалокатли равишда тез ифлосланиб, бузилиб бормоқда. Экологик хавфли муаммолар давлат чегараларини ҳамда бошқа тўсиқларни билмайди. Улар глобал ҳусусиятлар касб этиб, барча давлатларда ҳусусан,бизнинг жонажон Ўзбекистонда ҳам Экологик ўзгаришларнинг салбий хусусиятларини инобатга олиб, бу борада экологик хавф-хатарларни олдини олиш ва бу муаммоларни илмий асосда ижобий ҳал қилишга катта эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон сиёсий мустақилликка эришгач,табиатнинг ноёб бойлиги инсон ва унинг ҳаёти, соглиги ва келажаги масалаларига, халқимизни соғлом авлодини тарбиялаб ўстириш учун алоҳида эътибор қаратмоқда. Халқимизнинг саломатлиги,айниқса ёш авлоднинг ва умуман табиатнинг жонли қисми бўлган инсоннинг соглом ўсиши табиатнинг жонсиз қисмини ташкил қилган ер, сув ва ҳавонинг экологик тоза, хавфсиз ва кўлайлигига боглиқдир. Шу сабабли Республикамиз президенти Ш.Мирзиёев экологик муҳитни соғломлаштиришга ва Орол денгизи муаммосига алоҳида эътибор бермоқдалар.

Хозирги кунда Ўзбекистонда табиат ресурсларидан оқилона фойдаланиш, табиий бойликларимизни ҳар қандай хавф хатарларда мухофаза қилиш ва экологик ҳавфларни олдини олишга қаратилган 50дан ортиқ қонунлар, 170дан ортиқ қонунларни ижросини таъминлаш учун зарур бўлган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, атроф муҳитни асраш билан боглиқ 20га яқин илмий концепциялар, стратегик дастурлар, умумдавлат миқёсидаги лойиҳалар, давлат ва жамоатчиликнинг муҳим комплекс чора-тадбирлари амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Конституциясининг 2023 йил 30 апрелда умумхалқ розилиги